БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

БУГУН СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 88 (4335). 5 май, сешанба — 1970 йил. Баҳоси 2 тийин.



В. И. ЛЕНИН «ПРАВДА» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИДА.
П. ВАСИЛЬЕВ чизган расмдан репродукция.

ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ

Бу йилги матбуот байрами—5 май ажойиб кунларда нишонланмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари барча прогрессив инсониятни яқинда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини кенг кўламда байрам қилдилар. Юбилейга тайёргарлик халқимизнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ғоят оширибюборди. Ҳар бир совет кишиси, ҳар бир касб эгаси доҳий юбилейига муносиб совғалар тайёрлади. Ана шундай шароитда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг катта армиясига эга бўлган совет матбуоти ўзининг коллектив ташкилотчилик, жанговар тарғиботчилик ролини муваффақиятли бажармоқда. Матбуотимиз Коммунистик партия ва ҳукумат сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, Ленин ғояларини халқ онгига чуқур сингдириш соҳасида ажойиб ишларни амалга оширмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган муҳим вазифаларни бажаришга барча совет журналистлари қатори Тошкент области қалам аҳллари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳозирги кунда бизда область, шаҳар, район, кўптиражли газеталарни қўшиб ҳисобланганда ҳаммаси бўлиб 50 дан ортиқ номдаги газета нашр қилинаётир. Уларнинг биргаллик тиражи 200 минг нусхадан ортиб кетади.

Дарҳақиқат матбуот — бугунги кунда умумхалқ минбарига айланиб қолди. Бирорта ҳонадон йўқки, у ёки бу хилдаги газета ёки журнал олиб ўқимасин.

Матбуотимиз саҳифаларида коммунистик партиянинг жанговар сўзи баралла янграмоқда, унинг кенг халқ оммасининг туб манфаатларини ифода этувчи сиёсати ифода этилаётир. Дарвоқе совет матбуотининг кучи ва халқчиллиги ҳам шундадир. Матбуотимиз ўзининг кундалик фаолиятида ленинча иш услубларининг янада барқарор топишига ёрдам кўрсатмоқда.

Партия бизнинг матбуотимиздан ленинча юксак коммунистик ғоявийлик, партиявийлик принципларига қатъий амал қилишини талаб этади. Газеталармиз доимо ана шунга амал қилиб иш юритмоқдалар ва ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни партиявий нуқтаи назарида ёритиб, баҳо бермоқдалар.

Кейинги пайтларда «Социалистический Чирчик», «Машъал», «Сурхат» ва бошқа газеталарда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш мақсадларига хизмат қиладиган қизиқарли, мазмунли ва эсда қоладиган материаллар анчагина босилиб чиқди. Газеталар партия ташкилотлари томонидан жойларда олиб борилаётган идеология ишларининг самарадорлигини оширишга катта эътибор бера бошладилар.

Бизнинг матбуот — партиянинг жанговар ва ғоявий қуролидир. Идеология соҳасидаги барча ишлар эса ҳаёт билан, коммунистик қурилиш тажрибаси билан ҳамнафас бўлиши керак. Бу жиҳатдан «Янгийўл», «Коммунизм тонги» газеталари тўғри иш қилмоқдалар. Бу газеталарнинг саҳифаларида меҳнаткашлар коллективларининг давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун олиб бораётган курашлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг фаолиятлари, коммунистик ахлоқ янги кишини тарбиялаш масалаларига оид мақола, корреспонденция, репортажлар, очерклар тезтез бериб турилади.

В. И. Ленин матбуот ходимларидан экономика тўғрисида кўпроқ ёзишларни керак деб кўрсатган эди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларини кескин ривожлантириш коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш учун кураш авж олдирилган ҳозирги шароитда бу айниқса, муҳимдир.

Матбуотимиз Ленин кўрсатмаларини бажара бориб, социалистик экономикани янада ривожлантирди, саноат корхоналари ва қурилишларда янги иқтисодий механизмни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, таъминланаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш соҳасида катта ташкилотчилик ва тарғиботчилик ишини олиб бормоқда.

Кейинги пайтларда кўпгина газета саҳифаларида хўжаликни юритишнинг янги системасига ўтиш, хўжалик ҳисобини жорий этиш, иқтисод қилиш режимига оид материаллар тез-тез босилаётганлиги бунга мисол бўла олади. Энг муҳими шундаки, бундай мақолалар билан газета саҳифаларида кўпроқ ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ўзларн қатнашмоқдалар:

Илғорлар тажрибасини кенг тарғиб қилиш матбуотимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Илғорлар тажрибаси — умумхалқ мулки. Бу тажрибанинг аҳамияти, таъсир кучи ғоят катта. Шунинг учун ҳам газеталармиз илғорлар тажрибасини оммалаштириш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга соҳасида эришаётган ютуқларини, социалистик мулкни сақлаш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш масалаларини ёритишга катта эътибор беришлари зарур.

Матбуот доимо ҳаёт билан ҳамнафас бўлсин. Халқ оммасининг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қулоқ солиш журналистнинг бурчидир. Инсонга нисбатан ғамхўр, самимий бўлайлик.

Журналистларимиз партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш учун ўз маҳоратларн ва малакаларини тинмай ошира боришларн талаб этмоқда. Матбуотнинг ўқимишли, таъсирчан, қизиқарли бўлиб чиқиши учун газетанинг хилма-хил жанрларидан ўринли фойдаланиш зарур.

Бунинг учун эса матбуот ходимлари авторлар коллективлари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан алоқани тобора мустаҳкамлашлари ва кенгайтиришлари керак. Совхоз ишчилари, колхозчилар ва мутахассислар ўз мақолалари билан газетада тез-тез қатнашиб турсинлар. Журналист кадрларни танлаш ва тарбиялашга ҳам меҳрибонлик билан муносабатда бўлайлик.

Бу йил — Ленин юбилейи йили, беш йилликнинг сўнгги йилидир. Коммунистик партия бизнинг олдимизга Ленин юбилейи йилини тўлақонли ва маданий қурилишнинг барча соҳасида янги ютуқларни қўлга киритиш билан якунлаш вазифасини қўйди. Шубҳа йўқки, матбуотимиз ўзининг шонли анъаналарига амал қилиб ўз олдига қўйилган вазифани муваффақиятли бажаради, КПСС XXIII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун актив кураш олиб боради.

«ГАЗЕТА—КОЛЛЕКТИВ ПРОПАГАНДИСТ ВА КОЛЛЕКТИВ АГИТАТОРГИНА ЭМАС, АЙНИ ЗАМОНДА КОЛЛЕКТИВ ТАШКИЛОТЧИ ҲАМДИР»

В. И. ЛЕНИН.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЁШ ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ СЛЁТИ ОЧИЛАДИ

СЛЁТ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚИЗҒИН САЛОМ!

ТЎЛИҚ КЎЧАТ УЧУН

Колхозчиларимиз механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, барча экин майдонларига қисқа вақт ичида чигит экиб бўлишди. Барвақт экилган, айниқса, пастлик ерларга ташланган чигитларимиз текис униб чиқди. Лекин, кейинги кунларда ҳавонинг тезда исиб кетиши, айниқса қирлик ерларда тупроқ намини кочириб юборди. Бу эса уруғнинг тезда ниш уришини қийинлаштирди.

Биз мутахассислар билан маслаҳатлашиб, райондаги илғор хўжаликлар тажрибаларига асосланиб, унинб чиқмаган майдонларга дарҳол чигит суви бериш зарур, деган хулосага келдик. Чамн қочиб қолган майдонларга зудлик билан чигит суви тарай бошладик.

Айниқса Абдулахад Нурматов, Убайдулла Мирзажонов каби бригада далаларида бу иш кучайиб кетди. Бригада аъзолари қўшимча ишчи кучларини сафарбар қилиб, жуда кўп миқдорда чим тайёрладилар. Тракторлардан моҳирлик билан фойдаланиб, ариқ олдилар. Қатор оралатиб сугоришга йўлга қўйдилар. Сувчиларимиз қир ерларда сув тарашни яхши биладилар. Эндиликда улар чигит сувини карталарда тез оқизмоқдалар.

Чигит экиб бўлинган майдонларнинг карта четлари ҳозир тартибга солинмоқда. Ариқ олиниб, уруғ ташланяпти. Бу йил биз камида 1 ҳар гектар ерда 90—95 минг туп кўчат бўлишига эришамиз. Шуни ҳам айтиш керакки, серкесак ерлар қўшимча ишлашни талаб қилди. Биз бу ерларни борона қилиб, кесакларини эзиб майдалагач, уруғ ташладик. Бу эса кўчатларнинг белгиланган қалинликда бўлишини таъминлайди.

Колхозчиларимиз бу йил 780 гектар ерга чигит экишди. Бу ернинг қарийб 90 процента сой ва қирликдир. Шунга қарамай, биз ҳар гектар ердан пландаги 26,5 ўрнига 28 центнердан пахта етиштириб, давлатга камида 2120 тонна «оқ олтин» топшириш учун курашяпмиз.

Ф. МАДАЛИЕВ,
Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЎЗР ЯКДИЛЛИК БИЛАН

4 май куни Тошкент тикувчиларининг маданият саройи СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Тошкентдаги Ленин сайлов округи механизаторлар коллективларининг вакиллари билан лиқ тўлди.

Округ сайлов олди кенгашини Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов очди.

Кенгаш қатнашчилари республикадаги кекса корхона — Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз вагон ремонт заводининг коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовни СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлиги тўғрисидаги ахборотни қизғин маъқуллади.

Биринчи ўйсозлик комбинати бетончилар бригадасининг бошлиги И. Орипов, В. И. Ленин номли электротехника заводининг бригада бошлиги М. Г. Воронцова, Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ректори С. П. Пўлатов, трактор заводи партия комитетининг секретари Н. М. Лукьянов, «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг ишчиси Л. Суннатуллаева ва меҳнаткашлар коллективларининг бошқа вакиллари ўз коллективлари номидан ана шу номзодни қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Нотиқлар бўлажак сайлов совет кишиларининг монолит бирлигини, уларнинг ленинчи коммунистик партияга бўлган чексиз садоқати, янги куч билан намойиш қилади, деб астойдил ишонганликларини изҳор этдилар.

Кенгаш қатнашчилари **Шароф Рашидович Рашидовга Тошкентдаги 114-Ленин сайлов округидан** СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига овозга қўйилишн учун розилик беришини сўраб мурожаат қилдилар.

Кенгаш ишончли вакилларни сайлади, округдаги барча сайловчиларга қарата мурожаат қабул қилди. (ЎзТАГ).

* * *

Янгибозор, 4 май. Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг аъзолари КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг биринчи ўринбосари **Дмитрий Степанович Полянскийни** ва колхознинг илғор бригадаси бошлиги **Анатолий Канни** 119-Калинин сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор қилдилар.

* * *

Тошкентдаги икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги олий танк командирлари билим юртида СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал полковник **Степан Ефимович Белоножкони 627-Чирчиқ сайлов округидан** СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ҒЎЗАЛАР БАРҚ УРМОҚДА

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Меҳри Шералиева бошлиқ бригада аъзолари беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан илгари бажариб, ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

Ҳозир 97 гектар майдонда ғўзалар барқ уриб ўсмоқда. Ҳар гектар майдондан 30 ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» етиштиришга бел боғлаган бригада пахтакорлари ғўза қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юбордилар. Тўлаган Умркулов, Жўра Пўлдошев каби ишнинг кўзини билган механизаторлар культивацияни соз ўтказиб ҳар бир туп ниҳолнинг бар авж бўлиб ўсишига таъминлаяптилар.

Бригадада пахта билан бирга сабзавот, пилла, мева ҳам етиштирилади. Ўтган йили 41 гектар майдондан 80 ўрнига 150 тоннадан ортиқ мева етиштирган боғбонлар бу йил ҳам камида 150 тонна мева етказиб беришга курашмоқдалар.

Шуниндек, 1,5 гектар эртага карамга икки бор сифатли ишлов беришди. Ҳар гектар ерга 300 килограмм фосфорга 300 килограмм селитра аралаштириб берилганлиги ҳосилнинг барвақт етилишига олиб келяпти. Сувчи Баҳром Назаров карамни об-ҳаётга қондиряпти. Бодринг, бақлажон, помидор ва бошқа экинлар ривожа яхши. Ипакчилик ҳам асосий соҳалардан.

— Бизнинг аҳдимиз,— дейди бригада бошлиғи,— бу йил ҳар қути қурт уруғидан камида 60 килограммдан «кумуш тола» етиштиришдир.

Катта хирмон учун курашда бригаданинг 48 аъзоси елканакелка туриб ишлаяпти. Паришгул Тўхтабоева, Гулхан Нуржонова, Ўрозгул Душанова каби азаматлар пахта, пилла, мева, сабзавотдан олинадиган ҳосилни ошириш учун бир гайратга ўн гайрат қўшиб ишлаяптилар.

И. РУСТАМОВ,
С. АБДУЛЛАЕВ.

ҚУРАМА ТОҒЛАРИНИНГ ОЛТИНИ

ПОП (Наманган области), 4 май (ЎзТАГ). Бугун Чодак кон-бойитиш комбинати ишга туширилди. Чодак комбинати — олтин қазиб чиқара бошлаган Ўзбекистон корхоналаридан яна биттасидир. Бу комбинатни 20 дан ортиқроқ турли қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари барпо этишди.

Комбинат қурилишида қарийб бир ярим миллион кубометр тупроқ ишлари, тог қўпориш ва пармалаш-портлатиш ишлари бажарилди, 30 минг кубометр монолит ва йиғма бетон, 3 минг тонна металл конструкцияси, 100 километрдан ошиғроқ қувур ётқизилиб, монтаж қилинди.

Тог этагида бетондан, металл ва ойнадан қурилган ҳашаматли катта бино яққол кўзга ташланиб туради. Бу — комбинатнинг юраги, олтин сараловчи фабрикасидир. Бу фабрика мамлакатимизнинг йирик корхоналарида, шунингдек ГДР ва Чехословакия заводларида тайёрланган ҳозирги замон ускуналари ҳамда автоматика воситалари билан жиҳозланган. Бу ерда ягона диспетчердик пунктидан туриб бутун технология процессларини бошқариш, ҳар бир агрегатнинг ҳаракатини приборларга қараб кузатиб туриш мумкин.

Олтин сараловчи фабрикасида биринчи вахтада ёш мутахассис Раиса Николаева сменаси ишлади. Бу сменада Ўзбекистонга мамлакатимизнинг турли жойларидан келган тажрибали олтин сараловчилар билан бирга янги мутахассисликни ўрганиб олган ёш ишчилар — Мирзо Тилланазаров, Набижон Абдувалиев ва бошқа кўпгина ёшлар меҳнат қилишмоқда. Қурама тизма тоғларининг этагидаги Олтинкон посёлкасида жойлашган шу янги корхонада кўп киши иштирокида тантанали митинг бўлиб ўтди.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Комбинатни ишга туширишга бағишланган тантаналарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Ё. С. Насриддинова қатнашдилар.





Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозида дала ишлари жадал олиб борилмоқда. Айниқса ғўзага ишлов бериш агротехника қоидаларига амал қилинган ҳолда давом эттирилмоқда. Бу ўринда ўртоқ М. Ғойназаров бошлиқ звенонинг иши ўрнак бўларлидир. Звено аъзолари 64 гектар ерда чигитни текис ундириб олишга муваффақ бўлдилар. Ишни мусобақа асосида ташкил қилган пахтакорлар қатор ораларига узунасига ва кўндалангига дастлабки ишлов беришни ҳам тамомладилар. Суратда: звено бошлиғи, механизатор М. Ғойназаров, (ўнгда) қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Абдияи фотолари.

ИЛҒОР БРИГАДА ДАЛАСИДА

ЯЛЛАМА. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари тўла гектар ҳосил қилиш учун қизғин курашмоқдалар. Барча бригадаларда униб чиққан чигитлар парваришқилинмоқда.

Колхознинг пешқадам Аҳмаджон Пўлатов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 190 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил етиштириш, ҳосилдорликни пландагига нисбатан гектар бошига 2 центнер оширишга бел боғлаганлар. Улар чигитни эрта ерга ташлашган эди, яхши натижа берди. Барча майдонларда уруғ чигит суви берилмасдан тупроқнинг намига, бир текисда унib чиқди. Эндиликда яшил квадратлар ҳосил бўлмоқда. 50×60 схемасида чигит экkан деҳқонлар ҳар гектар ерда 95-100 минг тўп кўчат бўлишига ҳаракат қилмоқдалар. Механизаторлар Обид Абдуллаев, Маннон Аскаров узунасига ва кўндалангига ишлов беришлари сабабли ниҳоллар тез ривожлана бошлади.

Бригада аъзолари қатор ораларига ишлов беришни қурт боқиш билан боғлаган ҳолда олиб бормоқдалар. Улар 30 қути пилла қуртидан 1660 килограмм ҳосил топширишга сўз беришган. 76 ёшли Аскарали ота Мўминов 2 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 76 килограммдан ҳосил топширишга аҳд қилди.

ХАЛҚ МИНБАРИ

КЎМАКДОШ, МАСЛАҲАТГЎЙ

Матбуот — биз деҳқонлар билан ҳамма вақт ҳамнафас. Қишлоқларимизда янги уйлар қураётганимиз, янги ерлар очиб экинзорларни кенгайтираётганимиз, боғлар барпо этиб эл-юрт дастурхонини тўкинсочин қилаётганимиз ҳамма вақт матбуот ойнасида аниқ-равшан кўрсатилади.

Биз деҳқонлар меҳнат соҳасида эришаётган ютуғимизни газета ва журналлар саҳифасида кўриб қувонамиз, ғайратимизга ғайрат қўшиладн, муваффақиятларга интиламиз. Иш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар матбуотда танқид қилинганда биз уни тезда тузатиб, ишимизни ўнглаб, уни яна ривожига миндирамиз.

Совет матбуоти байрами кунида биз барча журналистларни, одил қаламкаш дўстларимизни катта айём билан табриклаймиз ва деҳқонлар дўсти бўлган матбуотчиларга ижодий ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Маҳмуд ИСМАТОВ,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

ЯҚИН ЁРДАМЧИМИЗ

Корхонамиз катта даргоҳ. Қатор ишлаб чиқариш участкалари, завод ҳамда цехлари қишлоқ хўжалигини сифатли ўғит ва бошқа хил маҳсулотлар билан таъминлашга даъват этилган. Хўжалик олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришда, коллективлараро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришда, кишиларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда комбинатимизнинг кўптиражли «Химик» газетаси бизга яқиндан ёрдам беряпти.

Газета саҳифаларида ёритилаётган хабар ва мақолаларда, лавҳа ва репортажларда комбинат нафаси сезилиб туради. Мутахассислар ўз мақолаларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган проблемаларни кўпчилик эътиборига ҳавола қиладилар, эришилаётган ютуқлардан барчани бохабар қилиб, йўл қўйилаётган нуқсонларни юз-хотир қилмай очиб ташламоқдалар.

Комбинат партия комитети газетанинг жанговарлик руҳини ошириш, тематикасини кенгайтириш, материаллар савиясини юксалтиришда редакцияга яқиндан ёрдам кўрсатиб келяпти. Ҳар кварталда бир марта бўлиб ўтаётган редакция ходимлари ва ишчи-мухбирларининг йиғилишида етилган масалаларни муҳокама қилмоқдамиз. Бундай йиғилишларда асосан гап беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақани кенгроқ ёритиш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш новаторлари тажрибаларини оммалаштириш ҳақида боради. Айни пайтда кўпчилик иштирокида редколлегия иш плани ҳам тасдиқланади.

Газетамиз доимо жамоатчи активларга таяниб иш тутади. Молия бўлими бошлиғи П. Фитченко, кучсиз азот кислотаси цехи технориги В. Азаренко, 5-цех аппаратчиси И. Раҳматуллаев, кучсиз азот кислотаси цехи смена бошлиғи М. Долимов, НОТ бўлими инженери Т. Турдиалиев ва бошқа ўртоқлар газета саҳифаларида тез-тез кўриниб туради. Улар одатда бутун коллективни қизиқтираётган масалалар устида фикр юритишади. «Ишчининг бурчи», «Тежамкорлик — коммунистик хислат», «Топшириқ ва масъулият» каби мақолалар комбинат коллективи ўртасида катта қизиқиш туғдирган.

Кимёгарлар газетанинг «Техника саҳифаси»ни зўр қизиқиш билан ўқиб борадилар. Бундай саҳифа ойда бир марта чиқиб турибди. Унда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида гап боради. Қардош корхоналар тажрибалари ҳам шу саҳифаларда акс эттирилади.

«Химик» газетаси Шчекинский химия комбинати тажрибаларидан ҳикоя қилувчи серияли мақолалар уюштириб, яхши иш қиляпти. Маълумки, бу комбинат фаолияти КПСС Марказий Комитетида кенг муҳокама қилиниб, тажрибаси оммалаштиришга лойиқ деб топилган эди. Дўстлар тажрибаси асосида корхонамизда бажарилаётган ишлар ҳам газета саҳифасидан ўрин олаяпти. Тажрибаларни оммалаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда «Химик» газетаси бундан буён ҳам зўр ғайрат билан курашади.

Бугунги айёмда биз комбинат партия комитетининг яқин ёрдамчиси «Химик» газетаси коллективини Совет матбуоти куни билан қизғин қутлаймиз. Барча қаламкаш журналистлар ва штатсиз активлар ижодида баркамоллик тилаймиз.

Т. АБДУЛЛАЕВ,
Чирчиқ электрохимия комбинати партия комитети секретарининг ўринбосари.



БОСМАХОНА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Чирчиқ шаҳар босмахонаси коллективи босиб чиқараётган маҳсулотлар хили йил сайин ошиб боряпти. Бу ерда шаҳар газетаси ва бир қатор кўптиражли газеталар, ҳар хил плакатлар босиб чиқариляпти. Босмахона ишчилари иш суръатини ошириш билан бирга сифатига ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Суратда: корхонанинг илғор ишчиларидан М. Эргашева, Д. Эгамбердиева ва Н. Цепелева ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.





Оржоникидзе районида чиқаётган «Коммунизм тонги» газетасининг ходими Қодир Муҳаммаджонов қизиқарли материаллари билан кўпчиликка танилмоқда. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат университетида ўқиб ўз журналистик маҳоратини тинмай ошириб боряпти. Суратда: Қ. Муҳаммаджонов «Қизил Ўзбекистон» колхози бригада бошлиғи Н. Жумабоев билан сувчи М. Сайдалиев ўртоқлар суҳбатини қоғозга тушиpяпти.

А. Абалян фотоси.

ҲАЁТ ТАЛАБИ

Районимиз меҳнаткашлари беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, халқ хўжалигини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун тинмай курашмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда халқ хўжалигида иқтисодий тежамни кучайтириш тўғрисида»ги Хати колхозчилар, ишчилар ва бинокорларнинг бу борадаги ташаббусини кучайтириб юборди.

Сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва саноатни юксалтириш вазифаларидан келиб чиқиб, бизлар район газетасининг асосий тематик йўналишини белгиламоқдамиз. Районимизда ишлаб чиқариш самарадорлигини тинмай ошираётган, ҳосилдорликни кўтараётган юзлаб илғорлар, тажрибакорлар бор. «Ленинчи» газетаси саҳифаларида эълон қилинаётган репортаж, лавҳа, очерк ва корреспонденцияларда ана шу омилкорлар меҳнатини ёритишга ҳаракат қилмоқдамиз. «Беш йиллик қаҳрамонлари», «Новаторлар минбари», «Илғор тажрибалар— оммага», «Зафар рапортлари» рубрикалари остида «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Маҳмудов, Калинин номли колхоз комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи Н. Лучников, «Партия XX съезди» колхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи М. Файзиев, 7-ғишт заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи В. Холодов ва бошқа новаторларнинг изланишлари, илғор иш усуллари ёритилди. Газета саҳифаларида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш масалаларига доир материаллар эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг резервлардан фойдаланишни яхшилаш ҳақидаги Хати эълон қилингач, биз район халқ хўжалигида мавжуд бўлган резерв ва имкониятларни қидириб топиш, улардан оқилона фойдаланиш масаласини узлуксиз ёритиш, тежамкор коллективлар тажрибасини кенг ёйиш режаларини белгилаган эдик. Шу асосда «Москва» совхозидаги аҳвол ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, совхознинг М. Камолов ва И. Турғаутов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида картошка ва карам ҳосили жуда камайиб кетган. Жумладан, ана шу бригадаларда карам ҳосили пландагидан 60 центнер, картошка ҳосили — 30 центнер кам бўлган. Шунингдек, хўжаликда етиштирилган маҳсулотнинг сифатини бузмай, истеъмолчиларга етказиб бериш борасида ҳам жиддий нуқсонлар юз берган. Шу сингари резервлар ишга солинганида совхоз яна бир неча ўн минг сўм қўшимча даромад жамғарган бўлар эди. Булар «Барча резервлар — ишлаб чиқаришга» сарлавҳали корреспонденцияда кўрсатилди. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг экономисти С. Жалиловнинг «Ҳар бир тийин ҳисобда» мақоласида ҳам моддий-пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш масаласи кўтарилди.

Айни шу кезлари газетамиз саҳифаларида пайдо бўлган «Резервларимиз ҳақида суҳбатлар» рубрикаси газетхонларимиз диққатига сазовор бўлди. Шу рубрика остида район қишлоқ хўжалик бошқармаси, корхона, колхоз ва совхозларнинг мутахассисларининг мақолалари эълон қилинмоқда. Мутахассислардан Н. Саъдуллаев, А. Қўзиев, Т. Ғаниев, Э. Исматуллаев Ж. Бердиев ўртоқлар ишлаб чиқаришнинг актуал масалаларига доир мақолалари билан газетамизда мунтазам қатнашмоқдалар.

Биз иқтисодий темада бериладиган материалларнинг пухта ва изчил бўлиши учун янада маҳорат билан ишлашни мақсад қилиб олдик.

А. ХАТАМОВ,
Калинин район «Ленинчи» газетасининг бўлим мудири.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ҚЎРИҚ ЕР ТАЪЗИМИ

«Ленин йўли» колхозининг Мингтепа қишлоғидаги қўриқ майдондан 60 гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу ерга Ҳамид Ҳайдаров бошлиқ 11-бригада аъзолари эрта баҳорда барака уруғи қадашди.

Чигитнинг сифатли экилишида И. Мушиев, Р. Худойбақоев, Т. Маматисоқов каби пахтакорлар алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатишган эди. Бугун эса бир текисда униб чиққан ғўзаларга сифатли ишлов беришда ҳам улар алоҳида жон койитишяпти.

Бригада аъзолари деҳқон измига бўйин эгган қўриқ ерлардан камида 25 центнердан ҳосил олиш учун кураш бошлаганлар. Қишлоқ коммунистлари бу курашнинг олдинги сафларида келмоқдалар.

«Машъал»дан.

ОЛМАЛИҚДА БИРИНЧИ

1 Май байрами арафасида Олмалиқ шаҳар меҳнаткашлари ажойиб совға олдилар. Монтажчилар шаҳарлараро телефон-автоматни фойдаланишга топширдилар. Бу янгилик туфайли Ўрта Осиёнинг Тошкент, Фрунзе, Ленинобод, Жамбул, Чимкент каби ўндан ортиқ шаҳарлари билан бемалол алоқа ўрнатиш имкони туғилди.

Шаҳарлараро телефон автоматдан фойдаланиш жуда ҳам оддий. 15 тийин ташлаб истаган шаҳрингиздаги истаган дўстингизнинг телефон номерини терасиз-да, бемалол суҳбатлашаверасиз. Гапингиз узоқ бўлса, маълум муддатдан кейин яна ўн беш тийин ташлайсиз. Суҳбат давом этаверади. Бу қулайликдан олмалиқликлар унумли фойдаланишяпти.

«Алмаликский рабочий»-дан

ИЗЛАНИШ

Болтабой саҳарлаб далага чиқиб кетган эди. Ер кечаги ёмғирдан ҳали селгимаган бўлса ҳам тушгача эгатлар оралаб қуёшга талпинаётган қўшқулоқ ниҳолларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Кўрганларининг ҳаммасини журналларга қайд қилиб қўйди...

Ўсимликлар олами Болтабойни мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўзига мафтун этган эди. Ўқишдан қўли бўшади, дегунча деҳқон бобоси ёнига ошиқарди. Эрта тонгдан кеч тунгача дала бошида бўлар, бобосига кўмаклашар, унинг ишини кузатарди. Мактабни кумуш медаль билан тамомлагач, тўғри қишлоқ хўжалиги институти томон йўл олди. Кейин аспирантурада таҳсил кўрди. Ҳозир аспирантурада бошлаган илмий ишини ниҳоясига етказаяпти. Икки йилдирки, Юқори Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик экинлари навини синаш тажриба участкасига бошчилик қилиб, бир олам экспериментлар ўтказди.

Тажриба участкасининг 38 гектар ери бор. Участканинг кичик пайкалларида пахтанинг 17 хил сорти синаб кўрилаяпти. Бултур экин майдонларидан салкам 40 центнердан ҳосил олинди. Бир қатор янги нав уруғликлар оммавий экишга тавсия этилди. Участкада синовдан ўтган «С—48—29» навли чигитни бу йил райондаги «Правда» колхози 1042 гектар майдонга экди. «РС—25» навли чигит ҳам олимлар синовидан муваффақиятли ўтди...

Болтабой даладан қайтгач, енгилгина тановвул қилди-да, почтачи келтириб қўйган газеталарни бир-бир кўздан кечириб чиқди. Ўша куни «Тошкент оқшоми» газетасида унинг «Фан янгиликлари» рубрикаси билан «Атом нуридан»... сарлавҳали мақоласи босилган эди. Ёш олим бу мақолада чигитни нурлантириб экишдан кўриладиган фойда ҳақида фикр юритганди. Нурланган чигит тез униб чиқади, касалликка чалинмайди, одатдаги навларга нисбатан эрта пишади. Энг муҳими, пахта толаси узун бўлади.

Бундан олдинроқ яна бир қатор кашфиётлар ҳақида «Мўъжизасиз мўъжиза», «Пахтанинг энг янги нави» деб номланган мақолалари билан «Совет Ўзбекистони» саҳифаларида қатнашган эди.

— Май ойининг ўрталарида Киевда ўсимликлар организми радиобиологиясини ўрганиш бўйича симпозиум ўтказилади,— деди Болтабой Азизов.— Симпозиумга мени ҳам таклиф этишган. Ўн минутлик доклад қилишим керак экан. Докладга тайёрланиш даврида «Тошкент оқшоми»да чиққан мақола ёзилган эди.

— Болтабойнинг биринчи мақоласи эмас бу,— суҳбатимизга қўшилди тажриба участкаси агрономи Анна Александровна Алексеева.— Унинг номини биз газеталарда тез-тез ўқиб турамиз. Журнал ва илмий тўпламларда ўндан ортиқ йирик мақоласи чиққан.

ГАЗЕТА АКТИВЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Болтабойнинг биринчи хабари институтда ўқиб юрган кезларида «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган эди. Институт ҳаётидан ёзилган бу хабарни у «Қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар» деб номлаганди. Кейинроқ студент спортчилар ҳақида «Ўзбекистон физкультурачиси»га ёзиб юборди. Шу-шу Болтабой матбуот билан дўстлашиб қолди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида нимаики янгилик сезса, дарров газетхонлар билан баҳам кўришга одатланди.

Йиллар ўтиши билан ёш мутахассис деҳқонларнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб танилди. У чигит экиш олдидан ерни тайёрлаш ҳақида, униб чиққан ниҳолни парваришлаш, озиқлантириш тўғрисида пахтакорларга қимматли маслаҳатлар бериб боради. Пахтачилик истиқболини ўйлаб, талайгина мақолалар ёзди.

— «Ёш ленинчи» газетасида чиққан «Пахтачилик ойдин йўлда» сарлавҳали саҳифамдан ўзим айниқса мамнун бўлганман,— деб эслайди у.— Саҳифа расмлар, диаграммалар билан безатилган бўлиб, унда пахтачиликнинг юксалиш суръатлари ҳақида ҳикоя қилган эдим.

Азизов —ёш олим. Азизов— штатсиз мухбир. Азизов—жамоатчи. Болтабой бу юмушларнинг ҳаммасини бажаришга вақт топади. Кандидатлик диссертациясини аллақачон ёзиб тамомлаган. Ҳозир сўнгги кашфиётлар билан илмий ишини бироз тўлдираяпти. Штатсиз мухбир сифатида ҳам кўпчиликка танилган. Бунинг орасида жамоатчилик ишларини ҳам бажаради. Энди камчиликларга муросасиз фельетончи бўлиб даврамизга кираяпти.

«Тошкент ҳақиқати»да босилган «Кейинги аттанг бефойда» сарлавҳали танқидий мақоласи кўпчиликнинг ёдида. Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози далаларини айланиб канал парваришида йўл қўйилаётган камчиликларни қаламга олган эди у. Самимий танқид хўжаликка катта фойда берди. Пировардида нуқсонлар тезда бартараф этилиб, кузда мўл ҳосил олинди. «Тошкент оқшоми»да босилган «Ваъдалар, ваъдалар...» сарлавҳали фельетончанинг ҳам оқибати фойдали бўлган эди. Ўша танқиддан кейин Самарқанддарвоза ва Каттабоғ кўчаларида чироқлар ўчмайдиган бўлди.

Газетамиз активи Болтабой Азизов бугун ҳам ижод устида. Ҳар куни даладан қайтгач, иш столига ўтиради. Тажриба участкасида олиб борилаётган изланишлар самараси ҳақида мақола ёзмоқчи. Кейинги материали эса ғўза парваришига бағишланади. Эрта-индин улар газета орқали газетхон қўлига бориб тегади.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КИОСКАЧИ

Театр майдонидаги 16-киоска дарчаси қачон қараманг очиқ туради. Григорий Харитонович билан унинг рафиқаси Розалия Ивановна эрта тонгдан кеч тунгача газетхонлар хизматида бўлишади. Босиб чиқарилаётган газета ва журналларни пешма-пеш газетхонларга тақдим этишади.

Григорий Харитонович Васильевнинг дўстлари яқинда уни 62 ёши билан қутлашди. Г. Васильев барча учун ибрат бўларли ҳаёт йўлни босиб ўтган. У бир неча йиллар Совет Армияси сафида бўлди. Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган хизматлари учун икки марта Қизил юлдуз, Қизил байроқ ва Ленин орденлари билан тақдирланди. Кўплаб медаллар кўкрагини безаб турибди. Армия сафидан қайтгач эса омма ўртасида янги тарқатишга жазм этди.

Тошкент киоскачилари орасида ўртоқ Г. Васильевнинг номи хурмат билан тилга олинади. Григорий Харитонович ойма-ой савдо планини ортиғи билан адо этиб келаяпти. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлди. Матбуотимизнинг жонкуяр тарғиботчиси Григорий Харитонович ва Розалия Ивановнани бугун Совет матбуоти куни билан қизғин қутлаймиз.

Е. МОРДУХАЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



Ушбу сурат В. И. Ленин юбилейига бағишлаб Москвада очилган халқаро китоб виставкасида олинган. Сиз Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси экспозициясини кўриб турибсиз.

В. Кунов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ—МУҲИМ ТЕМА

Газетани бекорга ҳаёт ойнаси деб аташмайди. Бепоён Ватанимизда ва чет элларда бўлаётган ҳар бир янгилик газета орқали онгимизга кириб келади. Ўзимизни қизиқтираётган, ташвишлантираётган ва ўйлатаётган масалаларнинг ҳаммасига газета саҳифаларида босилаётган материалларни ўқиб жавоб топамиз.

Газеталарда ишчилар ва олимлар, пахтакорлар ва бинокорлар, соҳибкорлар ва чорвадорлар ҳақида берилаётган сермазмун материалларни ўқиб бир олам завқ оламиз. Коммунистик мўл-кўлчилик яратаётган ватандошларимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз тағин ҳам ошади.

Шу ўринда мен газета саҳифаларида камроқ ёритилаётган масалаларни ҳам редакция коллективи эътиборига ҳавола қилмоқчи эдим. Эндиликда пойтахт области Совет шарқининг энг йирик илм ва маданият марказига айланиб қолди. Минглаб студентлар Тошкент шаҳри ҳамда область шаҳарларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида билим олмоқдалар. Ёшлар илм чўққиларини қандай эгаллашаяпти, уларни нималар қизиқтираяпти, бўш соатларини қандай ўтказишаяпти—булар ҳақида газета саҳифаларида камроқ ёритилади. Ойда бир мартадан «Ёшлар саҳифаси» чиқиб турса, бу саҳифаларда ёшлар тарбияси, ўқуви ва меҳнати билан боғлиқ бўлган масалаларга кўпроқ эътибор берилса айни муддао бўлур эди.

Абдуғани РОЗИҚОВ,
ТошДУ студенти.

КИМНИНГ ОЧЕРКИ ЯХШИ?

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланиб энг яхши очерк ва публицистик мақола учун ўтказилган республика конкурси қатнашчиларига мукофотлар топширилди. Конкурс Ўзбекистон Журналистлар союзи томонидан ташкил этилган бўлиб 1968 йил октябридан 1970 йил апрелигача ўтказилди. 22 журналист конкурс ғолиби бўлди. Улар конкурсга топширган очерклар, мақолалар давримизнинг энг муҳим мавзуларини акс эттирган. Улар В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятига, доҳийнинг ўлмас васиятларининг амалга оширилишига бағишланган. Энг яхши очерк ва мақолаларда янги ҳаёт ижодкорлари бўлган совет кишилари кўрсатиб берилган.

Биринчи мукофот (200 сўм) Расул Раҳмоновнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган «Анорхон» ва «Дақиқалар ортида ҳаёт» очерклари учун берилди. Ҳар бири 100 сўмдан бўлган иккита иккинчи мукофот Муҳаммаджон Қўшоқовга «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилинган «Доҳий билан суҳбат» очерки учун, А. Г. Танхельсонга «Правда Востока» газетасида эълон қилинган «У орзу қилган қирғоқ» ва «Қилич ва китоб билан» очерклари учун берилди. Ҳар бири 50 сўмлик учта учинчи мукофот Фарида Усмоновага «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «Биз Ленинни кўрдик» саҳифаси учун, В. П. Карпенкога «Уста» очерки учун («Тошкент оқшоми»), В. А. Тарбеевга «Юлдуз соати» очерки учун («Комсомолец Узбекистана») берилди.

Публицистик мақола учун биринчи мукофот (150 сўм) Абдуллажон Абдуқодировга «Совет Ўзбекистони» газетасида чиққан «Маҳалла» мақоласи учун берилди. Ҳар бири 100 сўмлик иккита иккинчи мукофот П. И. Ястребовга «Мухбир» — «Корреспондент» журналида эълон қилинган «Ленин мактаби публицистлари» рубрикаси остидаги туркум публицистик мақолалари учун, В. Л. Воробейчиковга «Ленинский путь» газетасида «Қадимий Самарқанд» рубрикаси остида эълон қилинган серияли мақолалари учун берилди.

Учта учинчи мукофот (50 сўмдан) В. Музаффаровга «Коммуна» газетасидаги Ленинга бағишланган қўш саҳифаси учун, В. М. Оспишчевга «Авроранинг ўлмас соғти» ва «Кремлдаги кабинет» очерклари учун («Правда Востока»), И. Терешченкога «Ферганская правда» газетасида «Бир районндан хатлар» рубрикаси остида эълон қилган туркум мақолалари учун берилди.

Журналистлардан У. Жонгитов, С. Маҳкамов, О. Фадеев, Р. Сафаров, Б. Вильчек, Н. Головко, Н. Эгамназаров, О. Абдураҳмонов, В. Есин, Иоськоларнинг ишлари рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. Уларга Ўзбекистон Журналистлар союзининг ёрлиқлари топширилади.

БУЮК МУТАФАККИР ВА РЕВОЛЮЦИОНЕР

Карл Маркс туғилган куннинг 152 йиллигига

Бугун прогрессив инсоният илмий коммунизм асосчиси, гениал мутафаккир, оташин революционер, жаҳон пролетариатининг устози Карл Маркс туғилган куннинг 152 йиллигини нишонлайди.

Карл Марксни бутун жаҳон тан олган ва кишилик жамиятининг иқтисодий, сиёсий ҳамда социал воқеалари тасдиқлаган буюклиги шундаки, у тарихий тараққиёт кун тартибига қўйган муаммоларга илмий асосланган жавоблар берди.

Марксизм XIX асрнинг 40-йилларида пайдо бўлди. Ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари, пролетариатнинг сиёсий кураш учун уйғониши, табиёт илмидаги буюк кашфиётлар, тарихий ва социал тадқиқотлар даражаси ижтимоий фикрдан ҳаёт олға сурган жуда актуал, туб масалаларга жавоб беришни талаб қила бошлаган эди. Фаннинг эришган ютуқлари даражасига жавоб бера оладиган янги, ҳақиқий илмий фалсафа ва социал назария яратиш, материализмни жамиятни ўрганишга татбиқ этиш, тарих ва сиёсатга бўлган қарашларда субъективизмга барҳам бериш лозим бўлиб қолган эди. Капиталистик фойданинг ҳақиқий манбаини очиб кўрсатиш, капиталистик ишлаб чиқариш қонунларини кашф этиш, унинг ривожланиши ва ҳалокатини асослаш лозим эди. Мавжуд жамият ичида янги жамият ижодчиси қобилиятига эга бўлган кучни топиш, эксплуататорлик жамиятидан социалистик жамиятга ўтиш йўлларини илмий кўрсатиб бериш талаб қилинарди. Тараққиёт олға сурган ана шу масалалар К. Маркс ва унинг сафдоши Ф. Энгельс томонидан ҳал этиб берилди.

Марксизм бир бутун дунёқараш бўлиб, фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг мукаммал системасини ташкил этади. К. Маркс ва Ф. Энгельс ҳамкорликда диалектик-материалистик фалсафани, илмий, сиёсий иқтисодни ва социализм ҳақидаги чинакам фанни яратдилар. Марксизмнинг бу уч ажралмас таркибий қисмлари XIX аср ижтимоий фикрининг энг юқори даражага ўсиб етган уч оқими: немис классик фалсафаси, инглиз сиёсий иқтисоди ва француз ҳаёлий социализмини танқидий ўзлаштириш ва ривожлантириш натижасида дунёга келди. Демак, марксистик дунёқараш ўзигача бўлган ижтимоий фикр оқимларидан ажралган ҳолда, жаҳон цивилизацияси тараққиёти йўлидан четда шаклланмай, балки табиёт ва ижтимоий ҳаётни ўрганиш йўлида инсоният яратган энг яхши, прогрессив билимларнинг қонуний вориси сифатида ташкил топди.

Марксистик назария пайдо бўлишининг социал илдизи капиталистик ишлаб чиқариш услубининг ривожланиши ва унинг қарама-қаршиликлари авж олиши натижасида юзага келган янги, собит қадам революцион синф—пролетариатнинг тарих майдонига чиқиши билан боғлиқдир. Марксизм пролетариатда ўзининг моддий-социал таянчини топди. Пролетариат учун эса марксизм капитализмга қарши курашда қудратли ғоявий қурол бўлди. Бир томондан, пролетариат синфий манфаатларининг ижтимоий тараққиёт-объектив эҳтиёжлари билан мувофиқ келиши, иккинчи томондан, объектив ва сиёсий характерга эга бўлган марксистик ғояларнинг пролетариатнинг синфий мақсадларига мос келиши марксистик назарияни буюк ўзгартирувчилик қуролига айлантирди, унга енгилмас ҳаётий куч-қудрат бағишлади.

К. Маркс ва Ф. Энгельс яратган диалектик ва тарихий материализм фалсафада туб революцион тўнтариш бўлди. Хўш, бу тўнтаришнинг моҳияти нимада? Марксгача бўлган материалистлар ўз материалистик хулосаларини ривожланиш ғояси билан боғламаганлар, бинобарин, улар материализмни кишилик жамияти воқеа-ҳодисаларига татбиқ этмаганлар. Диалектика кашфиётчилари эса ривожланиш ғоясини тан олганлар-у, аммо ривожланишни моддий дунёдан ажратиб қўйганлар, унга мистик характер берганлар.

Жамиятда ва табиатда содир бўлаётган объектив жараёнлар, тўхтовсиз ўзгаришлар ўз илмий изоҳини талаб қила бошлайди. Моддаларнинг сақланиш қонуни, ҳужайралар назарияси, Дарвиннинг эволюция назарияси ва бошқа кашфиётлар органик ва неорганик материянинг ўзгарувчанлигини исботлаб берди. К. Маркс ва Ф. Энгельс эса ижтимоий ҳаёт формалари ҳам ўзгарувчан эканлигини аниқладилар ва ривожланиш ғоясини изчил равишда тарихга татбиқ эта бошладилар. Улар материалистик назарияни ривожланишнинг диалектиқ идеяси билан узвий равишда боғлаб, табиатда ҳам, жамиятда ҳам амал қилувчи объектив қонунлар борлигини кўрсатиб бердилар. Шу билан марксизм классиклари ривожланишнинг бир бутун концепциясини, сифат эътибори билан бутунлай янги бўлган фалсафа фани—диалектик ва тарихий материализмни яратдилар. Марксизмнинг фанда революцион ўзгариш ясаган фалсафий қарашлари К. Маркснинг «Иқтисодий-фалсафий қўлёзмалар», «Фалсафа қашшоқлиги», «Фейербах ҳақида тезислар», Ф. Энгельс билан ҳамкорликда яратилган «Муқаддас оилачилик», «Немис идеологияси», «Коммунистик партия манифести» каби асарларда баён қилиб берилди.

К. Маркс материализмни кишилик жамияти жараёнларини ўрганишга татбиқ этиб, ижтимоий ҳодисаларни тушунишдаги чалкашлик ва асоссиз фикр юритишларга чек қўйди.

«Марксизм,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— ҳамма зиддиятли тенденцияларнинг мажмуини текшириб, уларнинг жамиятдаги ҳар хил синфлар ҳаёти ва ишлаб чиқаришнинг аниқ белгиланадиган шароитига боғлиқ эканини кўрсатиб, айрим-айрим «устун» идеяларни танлашдаги ёки уларни таърифқилишдаги субъективизм ва ўзбошимчаликни йўқотиб, беистисно барча идеялар ва ҳар хил тенденцияларнинг ҳаммасининг илдизлари моддий ишлаб чиқариш кучлар ҳолатида эканлигини очиб бериб, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг пайдо бўлиши, тараққий қилиш ва пастлаб кетиш процессини ҳар тарафлама ва тўлиқ ўрганиш йўлини кўрсатиб берди» (Асарлар, 4-нашр, 21 том, 46-бет).

Тарихни материалистик талқин қилиш тарихий жараёнда халқ оммаси ва даставвал ишчилар синфининг ҳал қилувчи ролини асослаш имконини берди. Маълумки, марксизмгача бўлган файласуфлар тарихни қироллар, қўмондонлар, алоҳида қаҳрамонлар яратади, деб ҳисоблаганлар. Бу билан улар халқлар ва мамлакатларнинг тақдирини, социал тараққиёт тақдирини тасодифга мутеъ қилиб қўйгандилар. Маркс эса ҳаётнинг асосини моддий ишлаб чиқариш ташкил этиши ва тарихий ўзгаришлар натижасида содир бўлишлигини кўрсатиб берди. Тарихнинг ҳақиқий ижодкорлари эса жамиятнинг энг муҳим ишлаб чиқарувчи кучлари ҳамда моддий бойлик яратувчилар ишчилар билан деҳқонлардирлар.

Қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятлар тарихини материалистик диалектика асосида ўрганиб, Маркс бу жамиятлар ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи синфий кураш эканлигини кўрсатиб берди. Ҳар қандай социал сиёсий ва бошқа ўзгаришларнинг илдизини энг аввал синфлар ўртасидаги курашдан қидириш керак, деган хулосага келди. Шу билан бирга Маркс ривожланиш материалистик диалектикасини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиб, капиталистик тузумнинг ўткинчи характерини, унинг ҳалокати муқаррар эканлигини исботлади.

Хулоса қилиб айтганда, марксизм туфайли инсоният тарихда биринчи марта чинакам илмий фалсафа фани—диалектик ва тарихий материализмга эга бўлди. Бу фалсафада материализм ва диалектика, табиат ва жамиятни материалистик талқин қилиш, моддий борлиқ ва билиш ҳақидаги таълимот, назария ва практика ўзининг бир бутун қуйма шаклини топди. Шу туфайли Марксгача бўлган фалсафадаги метафизикани, унга хос бўлган мушоҳадачилик, антропологизм (инсонларни уларнинг табиий тузилишлари жиҳатидангина ўрганиш) ва тарихни тушунишдаги идеализмни енгиш имкони туғилди. XIX—XX асрларда ижтимоий практика ва фаннинг ривожланиш тарихи марксистик фалсафанинг идеализм ва метафизиканинг ҳамма формацияларидан устун эканлигини тасдиқлади.

К. Маркс чинакам илмий-иқтисодий назария яратиб, сиёсий иқтисод соҳасида тўнтариш ясади. Маълумки, Марксгача бўлган сиёсий иқтисод намояндалари буржуа жамиятининг айрим муҳим томонларини тасвирлаб, унинг кўпгина иллатларини танқид қилганлар. Аммо улар капиталистик ишлаб чиқариш усули ривожланишининг ички механизмини очиб бера олмадилар, мазкур ишлаб чиқариш усулининг қарама-қаршиликларини тушунтира бера олмадилар, капитализмга абадий, жамиятнинг «табиий ҳолати» деб қарадилар.

Гениал мутафаккир капиталистик жамиятнинг иқтисодий асосини муфассал ўрганиб ва анализ қилиб, Ленин таърифи билан айтганда, марксизмнинг асосий мазмунини ташкил этувчи иқтисодий таълимотни яратди. Маркснинг иқтисодий таълимоти буржуа ва майда буржуа сиёсий-иқтисодига қарши кураш, ўзигача бўлган ижтимоий фанлар эришган ютуқларни танқидий ўзлаштириш натижасида юзага келди.

К. Маркс 40-йилларда яратилган «Иқтисодий-фалсафий қўлёзмалар», «Фалсафа қашшоқлиги», «Ёлланма меҳнат ва капитал» асарлари ҳамда шу даврда Ф. Энгельс билан ҳамкорликда ёзилган бир қатор китобларидаёқ сиёсий иқтисод масалаларини ишлаб чиқишга киришиб, энг муҳим иқтисодий категорияларни диалектик-материалистик нуқтаи назардан талқин қилди.

«Асримизнинг буюк сиёсий иқтисодий асари» (В. И. Ленин)—«Капитал» марксистик иқтисодий назариянинг, умуман Маркс ижодининг чўққисидир. Бутун ҳаётининг маҳсули бўлмиш бу улкан китобда Маркс капитализмнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳалокати қонунларини охиригача, ҳар томонлама очиб кўрсатган, капитализмнинг социализм билан алмашуви муқаррар эканлигини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб берган.

Қўшимча қиймат назарияси — капитализмни марксистик тадқиқ қилишнинг туб ва марказий масаласидир. Ленин қўшимча қиймат ва унинг яратилиши тўғрисидаги таълимотни «Маркс иқтисодий назариясининг негиз тоши» деб таърифлаган. Фақат шу таълимот туфайлигина капиталистик эксплуатация сирлари афкор оммага ошкор бўлди, капиталистик жамиятнинг ички механизми, унинг қарама-қаршиликлари рўй-рост очиб кўрсатилди, капитализмни ағдармай туриб, пролетариат эксплуатациядан озод бўла олмаслиги исботлаб берилди. Капиталистик тузумни ағдаришда пролетариат ҳал қилувчи революцион роль ўйнаши тўғрисидаги Маркс таълимотининг асосида қўшимча қиймат назарияси ётади. Чунки бу назария капитализмнинг асосий зиддияти меҳнат билан капитал, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан меҳнат маҳсулини ўзлаштиришнинг хусусий формаси ўртасидаги зиддият манбаини ифодалаб, пролетариатнинг буржуа жамиятидаги ҳақиқий аҳволини рўй-рост кўрсатади. Шунинг учун ҳам «Капитал» яратилганидан бери буржуазия қўшимча қиймат ҳақидаги таълимотга айниқса ғазаб билан ҳужум қилиб келади. Капитализмнинг ривожланиши ва инқирози қонунларини батафсил ёритиб берган марксистик иқтисодий таълимот шундай бир метин қоядирки, буржуазия ҳукмрон бўлган тузумнинг оқловчи ҳар қандай ғайри илмий назариялар ана шу қояга урилиб, чилпарчин бўлаверади.

К. Маркс инсоният тарихида биринчи бўлиб коммунизм ҳақидаги таълимотни яратди ва шу билан ижтимоий тараққиётнинг мазмуни ҳамда истиқболлари тўғрисида кишилар тасаввурида чуқур революцион ўзгариш ясади.

Инсониятнинг илғор намояндалари асрлар давомида ижтимоий турмушни оқилона ташкил этиш ҳақида, социализм ҳақида орзу қилганлар. Аммо улар ҳаёлий орзулар эди. Ҳаёлий социализм капиталистик тузумни танқид қилган, унинг кўпинча иллатларини фош этган ва зулм остида эзилган инсонларга қайғудошлик қилган бўлса ҳам, аммо кишиларга оғир аҳволдан қутилиш йўлини кўрсатиб бера олмаган.

Ижтимоий ҳаётни диалектик метод асосида чуқур ўрганган Маркс социализмни ҳаёлдан фанга айлантирди, социализм ғалабаси капиталистик ишлаб чиқариш усулининг бутун тараққиёти давомида тайёрланади, деган хулосани асослаб берди. У биринчи бўлиб ишчилар синфи буржуазияни йиқитиш ва коммунистик жамият қуришга даъват этилган куч эканлигини кўрсатди.

К. Маркс томонидан пролетариатнинг оламшумул-тарихий ролининг кашф этилиши ва асослаб берилиши эксплуататорлик тузуми туғдирадиган фалокатлардан инсониятни олийҳимматли алоҳида шахсларнинг яхши ниятли ҳаракатлари эмас, балки уюшган пролетариатнинг синфий кураши халос қилишини кўрсатди.

Коммунизм ҳақида таълимот яратиб, марксизм пролетариатни революцион назария билан қуроллантирди, унга социал-иқтисодий ва сиёсий озодликка эришиш йўлини ёритди, стихияли ишчилар ҳаракатига аниқ мақсадли социалистик йўналиш берди. Маркс ва Энгельс таълим бердиларки, пролетариат ўзини озод қилиш учун, аввало, алоҳида синф сифатида ўз мавқеини, жамиятда бутун ўрнини аниқлаб ва ижтимоий синфий манфаатларини англаб олмоғи, ўзи учун синфга айланмоғи зарур. Ўзининг мустақил сиёсий партиясини тузмай туриб, у бу вазифани ҳал эта олмайди.

Марксизм классиклари ишчилар синфи мустақил сиёсий партиясининг пайдо бўлиши капиталистик жамиятдаги синфий курашнинг қонунияти, шу курашнинг энг биринчи ва энг асосий қонунияти эканлигини кўрсатиб бердилар. Пролетар партиясининг мавжуд бўлиши, ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчиларнинг туб манфаатларига жавоб беради, негаки пролетар партиясининг ўзи шу манфаатларнинг энг тўла, аниқ ва расмийлашган ифодасидир. Маркс ва Энгельс фақат революцион пролетар партиясигина ишчилар синфини ўзининг буюк оламшумул-тарихий вазифасини бажаришга қобил қилиб уюштиради ва тарбиялай олади, деб уқтирдилар. Партия ишчилар синфини қудратли революцион куч қилиб уюштиради ва илмий коммунизм байроғи остида бирлаштиради, синфий курашнинг ҳамма формаларига раҳбарлик қилади, ишчилар синфи манфаатлари билан капиталистлар манфаати ўртасидаги муросасиз зиддиятни рўй-рост очиб кўрсатади. Партия пролетариатга социал революция зарурлиги ва у бу революцияни барча меҳнаткашлар ҳамда эксплуатация қилинувчиларга бош бўлган ҳолда амалга ошириш лозимлигини тушунтирди. Партия барча меҳнаткашларни коммунизм қурилиши йўлидан энг олий ижтимоий тузумнинг тўла ғалабаси сари бошлаб боради.

К. Маркс ва Ф. Энгельс пролетариатнинг мустақил сиёсий партияси пайдо бўлиши объектив қонуниятларини кашф этиш ва асослаш билангина кифояланиб қолмай, революцион партиянинг фалсафий-назарий, программ-стратегик, ташкилий ва тактик асосларини ҳам ишлаб чиқдилар.

К. Маркс гениал назариётчи, илмий коммунизм ижодчиси бўлиш билан бирга, айни замонда оташин революционер ва ишчилар синфининг сиёсий доҳийси, пролетариат сиёсий партиясини амалда биринчи тузувчи ҳамдир. Энгельс билан ҳамкорликда у ишчилар синфининг биринчи революцион —«Коммунистлар союзи»нинг ташкилотчиси ва доҳийси сифатида иш кўрди. Халқаро коммунистик ташкилотнинг бу биринчи мояси учун улар программа — «Коммунистик партия манифести», «Союз устави» ва шунингдек, муҳим стратегик ва тактик ҳужжатларни ишлаб чиқдилар. «Коммунистлар союзи» тарқатилгандан кейин (1852), Маркс ва Энгельс пролетариатнинг оммавий халқаро революцион ташкилоти — I Интернационални тузиб, ўзларининг бутун революцион фаолиятларини ишчиларнинг халқаро биродарлигини мустаҳкамлашга сарф этдилар. Улар ривожланган капиталистик мамлакатларда буржуазияга қарам бўлмаган, мустақил ва буржуазия сиёсатига қарши тура оладиган революцион пролетар партиялари тузиш йўлида кўп меҳнат қилдилар.

К. Маркс барча мамлакатлардаги революцион курашнинг боришини диққат билан кузатиб турарди. У ҳаётининг сўнгги кунларигача замонасининг ҳамма жиддий воқеалари ичида бўлган. Бу билан Маркс, бир томондан, революцион ҳаракатга улкан ғоявий сиёсий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, ўз назариясини ривожлантириш учун зарур тактик материал тўплаган.

Европадаги 1848—49 йиллар буржуа революцияси тажрибасини ўрганиш унга социалистик революция ва синфий кураш назариясини, пролетариат диктатураси тўғрисидаги, буржуа революциясида пролетариат тактикаси («1848—1850 йилларда Францияда синфий кураш») ва буржуа давлат машинасини синдириш зарурлиги ҳақидаги ғояларини («Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмери») ривожлантириш имконини берди. Париж коммунаси тажрибасини таҳлил қилиш натижасида эса («Францияда гражданлар уруши») пролетар диктатурасининг давлат формасини кашф этди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс вафотларидан сўнг уларнинг ўлмас ишларини В. И. Ленин давом эттирди. У ўзи яшаган замоннинг янги тарихий шароитларида, капитализм империализм босқичига ўсиб ўтган даврда халқаро ишчилар синфи кураши ва халқларнинг миллий-озодлик ҳаракати эҳтиёжлари ҳамда истиқболларини кўзлаб Маркс таълимотини ижодий тарзда ривожлантирди. Марксизмнинг барча таркибий қисмлари — фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм Ленин асарларида янада бойитилиб, конкретлаштирилди. КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига» Тезисларида таъкидланганидек, ленинизм империализм ва пролетар революциялари даврининг, мустамлакачиликнинг емирилиши ва миллий-озодлик ҳаракатлари ғалабалари даврининг, инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиши ва коммунистик жамият қуриш даврининг марксизмидир.

Марксизм-ленинизм ғоялари жаҳонни титратган Улуғ Октябрь зафарларида, ундан кейин бир қатор мамлакатларда рўй берган ғолибона социалистик революцияларда тантана қилди. Бу таълимот ҳозир социализм ва коммунизм қураётган халқларнинг марксчи-ленинчи партиялари фаолиятининг, империализмга қарши курашаётган халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг илмий пойдевори, йўлчи юлдузи бўлиб хизмат қилмоқда.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

ЖУН ҚИРҚИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Халқимизга кўплаб чорва маҳсулотлари етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилаётган чорвадорларимиз йилдан-йилга катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Бу йил қўйлар ва қорамоллар қишловдан яхши чиқди. Эндиликда чорвадорлар учун яна бир муҳим давр — жун қирқиш кампанияси бошланди.

Баҳорги жун қирқиш ишлари ҳар бир хўжаликда ҳавонинг иссиқлик даражасига, қўйларнинг ҳолатига қараб белгиланади.

Кўпинча жун қирқиш мавсуми тунда совуқ бўлмайдиган даврда бошланади. Жун қирқиш ишлари эса май ойининг ўрталарида, жуда кечикканда эса майнинг охирларигача тугалланиши керак. Агар бу муҳим иш кечиктириб юборилса, кўплаб жун нобуд бўлиши мумкин. Бундан ташқари областимизнинг иқлим шароитида қўйлар иссиқдан қийналади, тез озиб кетади.

Ўтган йили «Оҳангарон» совхозида бу тадбир уюшқоқлик билан ўтказилганлиги учун 12 минг бош қўйнинг жуни 10 кунда қирқиб тугалланди. Ҳар бир қўйдан 3 килограммдан юқори сифатли жун олинди. Шунинг ўзидан совхозга 100 минг сўм фойда келди. Жун қирқиб олишда М. Холтўраев, А. Ўрозалиев бошлиқ отарларда юқори кўрсаткичларга эришилди. Улар пландаги 3,1 ўрнига 3,5 килограммдан жун қирқиб олдилар.

Жун қирқиладиган хоналар алоҳида ажратилган бўлиб, биринчидан, у кенг бўлиши, ҳар бир жун қирқадиган чўпон ўзига алоҳида жойга, қирқилган жунни навларга ажратиш ҳамда ҳар бир қўйнинг жунини алоҳида тортиш имкониятига эга бўлиши керак. Иккинчидан, жун қирқиш пункти ёруғ бўлиши керак. Шамол ўтмаслиги, лекин ҳаво алмаштириб турувчи вентиляция ўрнатилган бўлиши шарт.

Жун қирқиш ишлари бошланишидан камида 10 кун илгари бино ремонт қилинган, оқланган, тозаланган, дезинфекциядан чиққан бўлиши лозим.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Жун қирқиш пунктлари отарлардан узоқда бўлмаслиги ҳам яхши натижа беради. Қирқиш ишлари ўтказиладиган пункт ёнида ҳаво айниган вақтда қўйларни киритиб қўйиш учун қўшимча бинолар ҳам бўлиши керак.

Ўрта Чирчиқ райони «Тошплемсовхоз» жун қирқиш пунктида чўпонлар учун ҳамма имконият яратиб берилган. Шунинг учун ҳам чўпонлар юқори унум билан ишлашяпти. Чўпонлар учун ошхона, ювиниш учун душлар ташкил этилган.

Қўйлар семиз, уларнинг жуни текис ва тоза бўлса, уларни қирқиб олишда чўпонлар кўп меҳнат сарфламайди. Акс ҳолда чўпонлар иши анча мушкуллашади, бунинг устига қирқиб олинган жуннинг сифати пасайиб кетади. Бу тадбир мутахассислар томонидан қўй жунининг ўсиқлигига қараб белгиланади.

Қўйчилик хўжаликларида ҳамма жойда бирдан жун қирқишни бошламасдан, бир-иккита отарда иш бошлаш, чўпонлар малакасини ошириш ҳамда агрегатлар нормал ишлашини синаб кўриш зарур.

Жуннинг сифатини бузмаслик учун уни майин, ярим майин ва дағаллигига қараб ажратиш лозим. Агар давлатга сотиладиган жуннинг навлари аралашиб кетган ва ифлос бўлса, унинг нархи 15 процент камайтирилади. Ўтган йили Калинин районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхози бу соҳада кўрган тадбирлари диққатга сазовор бўлди. Совхозда иш пухта ташкил этилганлиги ва давлатга топширилган жуннинг сифати яхши бўлганлиги учун биргина шу соҳанинг ўзидан совхоз чорвадорлари 100 минг сўмдан кўпроқ фойда олишга эришдилар.

Қўй жунини олиш вақтида улар қуруқ бўлиши лозим. Ёмғир теккан бўлса, нами қуригунча бу тадбирни бошлаш мақсадга мувофиқ эмас. Жун қирқишни бошлашдан 12-14 соат илгари қўйларга озуқа беришни тўхтатиш керак, акс ҳолда иш қийинлашади. Шунинг учун қўйларни жун қирқиш пунктига кечқурун келтириб, ишни эрталаб бошлаш лозим. Бош чўпонлар бутун ишнинг боришини назорат қилиб туришлари, териси кесилиб кетган бўлса дезинфекция қилинишини кузатиб туришлари, отарлардаги қўйлар жунини тортиш, толасини лабораторияга анализ учун олиш вақтида иштирок этишлари керак бўлади.

В. УРИЦКИЙ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг илмий ходими.



Пойтахтимиздаги сут комбинатининг аҳил коллективи аҳолига кўплаб маҳсулотлар етказиб бермоқда. Суратда: комбинат лабораториясининг бошлиғи Зарифа Аъзамхўжаева, Раъно Жўраева билан бирга сутнинг ёғлилик даражасини текшириб кўришмоқда.

И. ШОННОҒОМОВ фотоси.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

ХЕЛЬСИНКИ, 4 май. (ТАСС). Америка-Сайгон қўшинлари Камбоджа территориясига бостириб кирганлиги хусусида жаҳон тинчлик кенгашининг секретариати бу ерда жаҳон тинчлик кенгашининг баёнотини тарқатди. Никсон ҳукуматининг Камбоджага бостириб кириш тўғрисидаги қарори, дейилади баёнотда, Американинг Вьетнам ва Лаосдаги агрессияси сабабли вужудга келган фожиали аҳволни тағин ҳам ёмонлаштиришга олиб келди ва урушни беқиёс миқёсларда кенгайтириб юбориш хавфини туғдирди.

Кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари, шунингдек жаҳон афкор оммаси Америка Қўшма Штатларининг тинчликсевар Ҳинди-хитой халқларига қарши янги авантюрасини қоралайдилар, деб таъкидланади жаҳон тинчлик кенгашининг баёнотида.

Жаҳон тинчлик кенгаши ҳамма халқлар ва ҳукуматларга мурожаат қилиб, шошилинч ҳаракат қилишга ва Американинг Камбоджадаги интервенциясини дарҳол тўхтатишни, шунингдек Американинг ҳамма қўшинларини Жанубий Вьетнамдан, Лаос ва Камбоджадан батамом ва ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб қилишга чақирди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАРАКАТ

ҚОҲИРА, 4 май. (ТАСС). Миср ҳарбий вакилининг МЕН агентлиги тарқатган баёнотида айтилишича, Мисрнинг бир группа десантчилари кеча эрталаб Сувайш кўрфазидан ўтиб, Сувайш кўрфази Шарқий соҳилида Исроил оккупация қилиб олган территориядаги Алтор районида Исроилнинг команда пунктига ва ҳарбий лагерига ҳужум қилдилар. Мисрликлар Исроил истеҳкомларини ўққа тутиш учун миномётлардан ва оғир ракеталардан фойдаландилар.

Миср ҳарбий вакили шу операцияда қатнашган ҳамма кишилар омон-эсон ўз базасига қайтиб келганлигини айтди.

ЯНА ИҒВОГАРЛИК ҚИЛИНДИ

АММОН, 4 май. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Иорданияга қарши қуролли иғвогарликларни тўхтовсиз давом эттирмоқда. Иордания ҳарбий қўмондонлиги вакилининг бу ерда айтишига қараганда, Исроил қўшинлари 3 май куни Иордан дарёси водийсининг шимолий секторидаги води Ал-ябис районида Иордания позицияларини артиллерия тўпларидан ўққа тутган. Исроил артиллериясининг ўққа тутиши натижасида тинч аҳолидан икки киши ўлган. Иордания томони жавоб ўти очган. Отишма чамаси уч соат давом этган.

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. 4 май. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: 2 май куни ВДР осмон чегарасини Куангбинь вилояти тепасида бузиб ўтган Американинг иккита ҳарбий самолёти уриб туширилди.

Шу тариқа Вьетнам Демократик Республикаси осмонида Американинг жами бўлиб 3.340 та самолёти уриб туширилди.



Исроил ҳарбийлари Бирлашган Араб Республикасига қарши агрессив ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Сувайш шаҳри ҳаво ҳужумлари ва артиллериядан ўққа тутишлар натижасида катта зарар кўрди. Бу шаҳарда бутун кварталлар вайрон бўлди, уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, мачитлар, кинотеатрлар ер билан яксон қилинди. Суратда: Исроил авиацияси вайрон қилган Сувайш шаҳридаги уйлар.

К. Дударев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

КЕСКИН ҚОРАЛАНДИ

ХАНОЙ. 4 май. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам миллатига мансуб гражданларни Камбоджадан Америка—Сайгон қўшинларининг контроли остида вақтинча турган Жанубий Вьетнам зоналарига зўрлаб кўчириш тўғрисидаги АҚШ ва Сайгон режимининг планларини Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати кескин қоралади.

ВДР Ташқи ишлар министрлигининг баёнотида айтилишича, вьетнамликларни Камбоджадан Жанубий Вьетнамга кўчиришдан кузатилган ҳақиқий мақсад уларни қўғирчоқ ҳукумат армиясига чақириб, урушда қатнашишга мажбур қилишдан иборат.

ВДР ҳукумати бу планларни кескин қоралайди, деб таъкидланади баёнотда.

ПЕНТАГОН ТАН ОЛДИ

ВАШИНГТОН, 4 май. (ТАСС). Американинг 120 га яқин қирувчи-бомбардимончи самолёти 1 ва 2 май кунлари ВДР территориясини бомбардимон қилганлигини Пентагон тан олди. АҚШ Мудофаа министрининг ёрдамчиси Д. Хенкин, Қўшма Штатлар бундай ҳаракатларни «ўтмишда қилиб келди ва бундан буён ҳам қилаберади», деб айтган.



Е. Вахтангов номидаги Давлат Академик театри РСФСР халқ артисти Евгений Симонов саҳналаштирган Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» пьесасини кўрсатди. В. И. Ленин ролини СССР халқ артисти М. А. Ульянов, солдат Иван Шадрин ролини СССР халқ артисти Н. О. Гриценко ижро этишган. Суратда: иккинчи кўринишдан саҳна. Ленин солдат Иван Шадрин билан сўзлашмоқда.

В. Мастюков фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЖАНГЧИ—ШИФОКОР

Буюк ғалабанинг 25 йиллигига

Ёшликда бир партада ўтириб таълим олган, бир қозондан овқат еб, бир ётоқда истиқомат қилган дўстлар худди бир ота-онанинг боласидай бўлиб қоладилар.

Мен, бу лавҳада ҳикоя қилмоқчи бўлган дўстим билан бирга 1926 йилдан 1928 йилгача Тошкентдаги медицина техникумида бирга таълим олган эдик.

Ундан 1928 йил, ёзги каникул даврида ажралишганимча бошқа кўришолмадим.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги нишонланаётган кунларнинг бирида «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясига кириб бораётиб, бинонинг иккинчи қаватида турган, сочларига оқ оралаган, ўрта бўй кишига дуч келдим. Дуч келдим-у, бирдан тўхтаб қолдим. Унинг юзига тикилдим. У ҳам менга тикилганча қараб турарди. Мен дарҳол ундан:

— Ғанижон эмасмисиз? — деб сўрадим. У мийиғида мулойим кулиб, ёшлигидаги одати ва одоби бўйича ерга қараган ҳолда:

— Шундай, Ғанижонман, — деди-да, менга қаттиқ тикилган ҳолда қулоч очди. Икки дўст қучоқлашиб, сўрашиб кетдик. Севинчдан пайдо бўлган ёшлар кўз косасига тўлди.

Бафуржа ўтириб, ҳасратлашадиган, ўтган кунлардан ҳисоб берадиган дақиқа келди.

Мен унга дастлаб қишлоқ мактабларида ўқитувчилик қилганимни, сўнгра газета редакцияларида ишлаб турган кунларимда Улуғ Ватан уруши бошланиб кетганини, фронтга бориб то тамом бўлгунга қадар фашист босқинчиларга қарши курашда қалам ва қурол билан иштирок этганимни ҳикоя қилиб бердим.

Сўз навбати дўстимга келганда, камсуҳан ва камтар дўстим, мулойим кулиб туриб, ҳикоясини бошлади:

— Умримнинг қирқ йили Ватан ҳимоячиларининг соғлиғини сақлаш йўлида ўтди, мана, сочларга оқ оралаб қариб ҳам қолдик, — деб яна мулойим кулди.

Дўстимнинг ҳикоясига қараганда 1930 йил Тошкент медицина техникумини тамомлаб, Тошкент эски шаҳаридаги 4-поликлиникада санитар-врач бўлиб ишлаш билан бир вақтда Тошкент Медицина институтининг даволаш факультетида ўқишни ҳам давом эттирган.

1931 йилда маҳаллий миллат медицина ходимларидан ҳарбий қисмларга сафарбарлик эълон қилинганда Ғанижон Раҳмонбердиев Самарқанддаги Иван Ефимович Петров командирлик қилган ўзбек бригадасига ҳарбий фельдшер бўлиб борди. Ана ўша кундан бошлаб унинг ҳарбий ҳаёти бошланди.

1931 йилнинг сентябрь ойларида ўзбек бригадаси Қорақум саҳроларида изғиб юрган жаллод Жунаидхоннинг босмачи шайкасини тор-мор қилиш учун юборилди.

Бригада полкларининг бирига Миркомил Миршаропов командирлик қиларди. Бригаданинг 2-тоғ ўқчи кавалерия полкига Собир Раҳимов командир эди. Раҳимов командирлик қилган полк суворийлари қўмондоннинг жанговар топшириқларини доимо маҳорат ва жасорат кўрсатиб, шараф билан бажарар эдилар.

Ғани ака, кейинчалик ўзбек дивизиясига командирлик қилган машҳур саркарда Миркомил Миршароповнинг ажойиб одамийлик хислатларини, сермулозимат, ўз гавдасига хос эпчил, хушчақчақ, шунингдек талабчан эканини, агар у полкка келгудай бўлса, солдатлар даврасида кўтаринки рух пайдо бўлганини хурмат билан эслайди. Бир воқеа эсимда, — деб сўзини давом эттирди Ғани ака, — 1933 йилнинг октябрь ойлари эди. Жангчилар Улуғ Октябрь байрамини ҳарбий-сиёсий тайёргарликда яхши баҳолар билан кутиб олиш учун штаб майдонига йиғилган эдик. Солдатлар ўртасида қизғин суҳбат борарди. Шу пайт бирдан Миршаропов келиб қолди. Ҳамманинг руҳи кўтарилиб кетди. У, «нимага ўйин-кулги қилмаяпсизлар?» деди-да, ўртага чиқиб «Лазги» рақсига тушиб кетди. Унга ҳаммамиз қўшилдик. Йиғилишимиз шод-хуррамлик билан ўтди.



Ҳарбий фельдшер Ғани Раҳмонбердиев Миршаропов полкига бириктилган бўлиб, у қисмдаги биринчи ўзбек врачи эди.

Қорақум саҳроларида даҳшатли жанглар бошланиб кетди. Жанг тўхтовсиз кечаю-кундуз давом этди. Раҳмонбердиев бошлиқ медицина ходимлари ярадор жангчиларнинг жонига аро кириб, уларнинг жароҳатини даволаш, ҳаётларини сақлаб қолиш учун курашди. Шундай кунлар ҳам бўлдики, елкасига бешотар милтиқ тақиб олган врач Раҳмонбердиев ярадорларни даволаш билан бир қаторда душманга қарши жангларда ҳам бевосита иштирок этди.

Ғани Раҳмонбердиев ўз билим даражасини ошириш ва такомиллаштириш мақсадида Самарқанд Медицина институтида ҳам ўқишни давом эттирди. Институтни 1937 йилда муваффақият билан тамомлаб, бўлинма врачи даражасини олди. У ўз бўлинмасида бош врач бўлиб ишлай бошлади.

Уруш бошланганн ҳақидаги шум хабар эшитилиши биланоқ дивизия жонажон Ватанимиз қишлоқ ва шаҳарларини вайрон қилиб келаётган фашист босқинчиларга қарши курашиш учун оёққа турди.

Дивизия урушнинг биринчи ҳафтаси охиридаёқ Ельня шаҳридан 40 километр берида душман йўлини тўсиш учун мудофаа маррасини эгаллади. Тиш-тирноғигача қуролланган душман осмондан туриб дивизиянинг мудофаа маррасини бомбардимон қила бошлади. Дивизия анча қурбонлар бериб, қўмондонликнинг буйруғи билан Москва томонга чекинди. Мана шу чекинишлар вақтидаги жангларнинг бирида Раҳмонбердиев ярадорларга медицина ёрдами кўрсатиб турган пайтда тўсатдан жароҳатланиб қолди. Бошқа ярадорлар қаторида врач Раҳмонбердиев ҳам Москвадаги госпиталлардан бирига юборилди.

Раҳмонбердиев госпиталда икки ой даволаниб чиққандан сўнг қўмондонлик уни Ярославск шаҳрида ташкил қилинаётган коммунистлар дивизиясига дивизия врачи этиб тайинлади.

Коммунистлар дивизияси Москва бўсағаларига гитлерчи газандаларга қарши жангга кирди. Дивизия бошқа қисмлар билан ҳамкорликда шиддатли ва қонли жанглар олиб бориб, 1941 йилнинг 6 декабрь куни фашист босқинчиларни Москва остоналаридан улоқтириб ташлади.

...1943 йилнинг қаҳратон қиш кунлари. Ҳаммаёқ тизза бўйи қор. Мана шу оғир шароитда дивизия душман билан тўхтовсиз жанг олиб борарди. Жанг майдонидаги ярадорларни олиб чиқиб уларни госпиталларга жўнатиш учун қирқ километр узоқликдаги темир йўл станциясига олиб боришга тўғри келарди. Довюрак врач Раҳмонбердиев ҳамма медицина ходимларини ишга солади. Улар жанг майдонидаги ярадорларни душман ўқи остида хавфсиз жойга олиб чиқдилар ва кўп машаққатлар билан темир йўл станциясига олиб бориб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар.

1943 йил охирида Раҳмонбердиевни корпусга врач этиб тайинладилар.

Жангларда тобланган моҳир врач Раҳмонбердиев тез орада корпус жангчиларининг севикли шифогўйи, меҳрибон отасига айланди. Гвардиячи корпус 1944 йилнинг ёз ойларида Литва пойтахти Вильнюс ва Каунас шаҳарларини душмандан озод қилиб, фашистни изма-из қувиб Клайпеда шаҳрига келганда, душман таслим бўлиб, Совет қўшинлари ғалаба байроғини Берлин устига тикканлиги ҳақидаги хуш-хабар эшитилди.

Уруш тамом бўлгандан сўнг қўмондонлик корпус медицина ходимлари олдига озод қилинган шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш вазифасини юклади.

Қўмондонликнинг барча топшириқларини доимо шараф билан бажариб келган Раҳмонбердиев бошлиқ корпус медицина ходимлари бу вазифани ҳам намунали бажариш учун астойдил ишга киришдилар. Улар Клайпеда шаҳрида дарҳол поликлиника очиб, шаҳар меҳнаткашларига медицина ёрдами кўрсата бошладилар. Гитлерчилар оккупацияси даврида кўпгина жабр-зулм тортган ва унинг орқасида турли касалликларга дучор бўлган юзларча ва мингларча эркак ва аёл ҳамда болалар Совет медицина ходимларининг шифобахш қўлларида даво топа бошладилар. Бу ишларнинг ҳаммасида коммунист врач Ғани Раҳмонбердиев ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди.

1945 йилнинг охирида она юрти Тошкентга қайтиб келган гвардиячи, медицина хизмати полковниги Ғани Раҳмонбердиевни Туркистон Ҳарбий Округи бош врачи қилиб юборди. У бу ерда 1947 йилгача ишлагандан сўнг уни округ госпиталига бўлим бошлиғи этиб тайинладилар.

1949 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан унга «Республикада хизмат кўрсатган врач» унвони берилди.

Туркистон Ҳарбий Округи Раҳмонбердиевни офицерлар дам олиш уйига бош врач этиб тайинлади. Раҳмонбердиев бу ерда ҳам ташкилотчилик қобилиятини ишга солиб, дам олиш уйини намунали холга келтирди.

Халқ ва Ватан ҳимоячиларининг соғлиғини сақлаш ишига бебаҳо ҳисса қўшган Раҳмонбердиев 1966 йилда пенсияга чиқди.

Отставкадаги гвардиячи полковник Ғани Раҳмонбердиевнинг кўкрагида жангларда кўрсатган хизматлари ва узоқ йиллик меҳнати эвазига берилган Ленин ордени, Жанговар Қизил Байроқ, биринчи ва иккинчи даражали Ватан уруши орденлари ҳамда ўнга яқин жанговар медаллар ярқираб турибди.

Адҳам РАҲМАТ.

Спорт

КИЕВДА ДУРАНГ

2 май куни «Пахтакор» футболчилари Киев шаҳрида мамлакатнинг собиқ чемпионлари — маҳаллий динамочилар билан беллашдилар. Мезбонлар составида СССР терма командаси составига чақирилган олти футболчи йўқ эди. Улар ўрнига тушган ёшлар «Пахтакор» дарвозасига йўл топа олмадилар. Ҳамшаҳарларимиз ҳам чакки ўйнашмади. Айниқса ўйиннинг сўнгги минутларида улар киевликларнинг кучли ҳужумларини аҳиллик билан бартараф этдилар. Икки марта тўп «Пахтакор» штангасидан қайтди. Ўйин 0:0 ҳисобида натижасиз тугади.

Шу куни Москва торпедочилари ҳалигача мағлубиятга учрамаган пойтахт динамочилари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Яшин дарвозасига киритилган бу тўп автори Гершкович бўлди. Қолган учрашув натижалари қуйидагича: «Динамо» Тб. — «Торпедо» Кт. — 2:0, «Нефтчи» — «Черноморец» — 1:0, «Зенит» — «Заря» — 2:0, «Шахтер» — «Арарат» — 1:0, «Динамо» (Минск) — СКА — 0:0, ЦСКА — «Спартак» (Орджоникидзе) — 1:1. Турнирда 13 очко тўплаган Тбилиси динамочилари биринчи ўринга чиқиб олдилар. «Пахтакор» 6 очко билан 14-ўринда бормоқда.

«ПОЛИТОТДЕЛ» ҒАЛАБАСИ

«Политотдел» футболчилари иккинчи тур мусобақасини Пермнинг «Звезда» командаси билан ўтказдилар. Меҳмонлар дарвозасига киритилган ягона тўп колхоз футболчиларига 2 очко келтирди. Фарғонанинг «Нефтяник» коллективи яна ғалабага эришди. Бу сафар Улан-Удэнинг «Селенга» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгди. Тошкентнинг «Трактор» командаси тажрибасизлик қиляпти. Тракторчилар бу турда ҳам енгилдилар. Улар ўз майдонида Чита армиячиларидан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

Навбатдаги тур ўйинлари эртага 6 майда бўлади. «Политотдел» ўз майдонида Йошкар-Оланинг «Спартак» командасини, «Трактор» эса «Селенга» футболчиларини қабул қилади. «Политотдел»даги учрашув кеч соат 18-у 30 да бошланади.

МЕКСИКА ТАРАДДУДИ

Жаҳон чемпионати қатнашчилари Мексикага жўнаш олдидан сўнгги ўртоқлик учрашувларини ўтказмоқдалар. СССР терма командаси Швейцарияда бу мамлакат терма клублари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Ўйин совет футболчиларининг устунлиги билан давом этган бўлсада, ҳисоб очилмади. Командамиз қуйидаги составда ўйнади: Рудаков, Дзодзуашвили, Шестернев, Ловчев, Хурцилава, Серебрянников, Мунтян, Кисилев, Бишовец, Паркуян, Г. Нодия (Еврюжихин). Ватандошларимиз яна бир ўйинни Францияда бу мамлакатнинг кучли клуби билан ўтказдилар. Бу сафар совет футболчилари 4:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу ўйинда Пузач 3 та тўп киритди.

Бразилия терма командаси Мексикага жўнаш олдидан «Маракана» стадионида Австрия терма командаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

СССР терма командаси билан бир группага тушган Сальвадор футболчилари ўз майдонида Руминиянинг иккинчи терма командаси билан бўлган ўртоқлик учрашувини 2:2 ҳисобида якунладилар.

Европа кубок эгалари кубоги Англиянинг «Манчестер—сити» командасига тегди. Бу команда финалда Польшанинг «Гурник» футболчилари устидан Вена шаҳрида 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

64 КАТАКДА

Кеча «Пахтакор» стадионидаги марказий шахмат-шашка клубида рус шашкаси бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида пойтахт биринчилиги мусобақалари бошланди. Мусобақа қатнашчилари орасида спорт мастерлари Ш. Ёқубов, А. Дорфман, мастерликка номзодлар Ю. Андригин, Л. Кац, А. Имомов ва бошқалар бор.

Аёллар финалида биринчи разрядли А. Абашина, Н. Волховская, Х. Мўминовалар иштирок этишади.

Мусобақалар май ойининг охиригача давом этади. Мусобақанинг тўрттадан ғолиби республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.


Е. ЧЕРКАССКИЙ.

ЯНГИ КОРПУС

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг шундай ёнгинасида беш қаватли бино қад кўтарди. 1200 студентга мўлжалланган бу бино институтнинг янги корпуси бўлиб, сентябрдан талабаларни ўз бағрига олади. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган корпусда 260 ўринли ва 140 ўринли лекция заллари бор. Аудиториялар барча қулайликларга эга.

Ҳозирги кунларда корпусда пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. 35 кишилик аҳил коллектив шу юмуш билан банд. Қурувчилардан Ф. Ҳолиқов, В. Родин. А. Иванов, П. Киселев ва Р. Полевнова кабилар кунлик топшириқларни 1,5—2 ҳиссадан адо этишиб, корпусни ўз вақтида фойдаланишга топширилишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

А. ҲАМИДОВ.



ТОШКЕНТНИНГ Полторацкий кўчасида очилган кафега «Марҳабо» деб ном қўйилди. Янги кафеда бир йўла юздан ортиқ хўранда овқатланиши мумкин.

Л. Глауберзон фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАТИЖАЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР, КУЙБИШЕВ РАЙОН, «СИРДАРЁ» КЎЧАСИ 46/48 УЙДА ЯШОВЧИ Х. МАҲМУДОВГА

Сиз редакцияга ёзган хатингизда «Сирдарё» кўчасида тротуар йўқлиги сабабли аҳоли қишда лой кечиб, ёзда эса тупроққа ботиб юришга мажбур бўлаётгани ҳамда кўчага электр ўтказилмаганини айтган эдингиз.

Хатингиз юзасидан район ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Қозиевнинг редакцияга маълум қилишича, «Сирдарё» кўчасини электрлаштириш ишлари бу йилги планга, тротуар ётқизиш эса 1971 йил планига киргизилган.

АНГРЕН КЎКАЛАМЗОРЛАШМОҚДА

Ангрен шаҳри кун сайин обод ва кўркамлашиб бормоқда. Янги қурилаётган жамоат биноларн билан бир қаторда болалар боғчаси, касалхона бинолари ҳам фойдаланишга топширилмоқда.

Шаҳардаги 2-касалхона коллективи беморларни даволаш билан бирга касалхонани кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ҳозиргача 500 туп атр гул кўчатлари, 400 тупга яқин ҳар хил гул кўчатлари экилди. Шунингдек, бир неча туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ҳам ўтқазилди. Бу ишда шифохона фельдшерларидан А. Маннопов, А. Сопиов ва бошқа ўртоқлар алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

Ш. ЖАББОРОВ.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

Фан ва техника янгиликларини кенг оммалаштиришда халқ университетларининг роли катта. Шунинг учун ҳам Янгийўлликлар жойларда ташкил қилинган маданият ўчоқлари машғулотларида катта қизиқиш билан қатнашмоқдалар.

Ўтган йили бу ерда иш олиб борган университетлар фаолияти ижобий якунланди. Шаҳардаги саноат корхоналарида ишлаб турган медицина, ота-оналар университетлари яхши фаолият кўрсатган маданият ўчоқлари, деб топилди.

Бу йил эса улар сафига яна учта янги халқ университети қўшилди. Булар медицина ва озиқ-овқат техникумлари ҳамда 8-мактабда ташкил этилган бўлиб, олиб борилаётган машғулотларга 200 га яқин тингловчи актив қатнашмоқда.

Ҳар тўғрида

ПЕТР I НИНГ ҲИЙЛАСИ

Петр Биринчи кишиларда денгизчилик ишига меҳр уйғотиш учун кўп уринар, уларни кўплаб кемалар қуришга мажбур қиларди. Лекин, буйруқлар билан иш битмаслигини кўриб, у қуйидаги айёрона қарор қабул қилади: «Нева дарёси орқали ҳеч қандай кўприк қурилмасин!».

Янги пойтахт Петербургни кўпгина дарё ва ирмоқлар кесиб ўтгани сабабли, аҳоли ночор қолиб, қайиқ ясашга, юкларни олиб ўтиш учун эса катта кемалар қуришга мажбур бўлди.

1710 йил 4 июлида подшо Петр ўз амалдорларидан бирига Петербургда яшаётган ҳамма амалдаги кишиларнинг Нева дарёсида шамол турган пайтда кемаларда елканлар билан сузишлари устидан назорат қилишни топширади. Кейинчалик 1718 йилда у кемасозлик ва денгизчилик ишига қизиқишни яна орттириш мақсадида турли кишиларга 141 та кемани бутун аслаҳаси билан бепул, доимий фойдаланиш учун ҳадя қилади. Бунда фақат биргина шарт қўйилади: шу кишиларнинг ўзлари кемаларни тузатиб туришлари, ишга ярамай қолганда эса ўз ҳисобларига янги, каттароқ кема қуришлари лозим.

Шундай қилиб, Петр умрининг охиригача Петербургнинг кема қатнайдиган дарёлари орқали бирорта ҳам кўприк қуришга рухсат бермаган.

ҒАЛАТИ МУЗЕЙ

Польшанинг Иновроцлов шаҳрида тугма тарихи музейини ташкил қилишга қарор қилинди. Музей галантерея буюмлари фабрикаси базасида яратилади. Унинг коллекциясида археологик қидирувларда топилган тугмалар ҳам бор.

СИНТЕТИК ЧИМ

Америка фирмаларидан бири «пластик чим» деб аталган сунъий газон ишлаб чиқарди. Унинг ҳар бир квадрат метр майдонида 60 минг ингичка сунъий игна — ўт жойлашган. Сунъий чимни хонада юмшоқ гилам ўрнида солиб қўйиш ҳам мумкин.

БИЗ ЕЛҒИЗ ЭМАСМИЗ

Биз деганимиз — Қуёш системасидир. Астроном Питер ван Камп Қуёшга яқин турган олтмишта юлдуз суратларини текшириб, тарихда биринчи бор шу олтмишта юлдуздан ҳеч бўлмаганда еттитасининг биттадан планетаси борлигини аниқлади. Планеталар катталиги жиҳатидан тахминан Юпитерга тенг. Лекин, бу — мазкур юлдузлар атрофида юқоридаги катталикдаги гигант Сайёралар билан бирга Еримизга ўхшаш кичик сайёралар йўқ, — деган гап эмас.

ТОШ АСРИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тош асридаёқ кишилар гўзалликка бефарқ қарашмаган, дейишяпти археологлар. Улар яқинда Ироқда бундан 40—60 минг йил илгариги қабристонни топишди. Қабрда далада ўсадиган гуллардан кам деганда саккизтасининг чанг ва уруғлари топилган. Тахмин қилишларича, бу ўлка аҳолиси марҳумларини кўмаётганларида тобут устига ёпилган гиламга гул сочиб қўйишаркан. Баъзи мамлакатларда ҳозир ҳам шундай қилишади.

ЕР ШАРИНИНГ АҲОЛИСИ

(Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг демографик солномаси маълумотларидан)

Ер шарининг аҳолиси 1967 йил ўрталарида 3420 миллион кишига етган. Бу рақам 1966 йил ўрталарига нисбатан 65 миллион кўпдир.

Агар аҳолининг кўпайиш суръатлари шу даражада бўлаверса, 2006 йилга бориб, ер шари аҳолиси икки мартага ортади.

Ер шари аҳолисининг тўртдан уч қисми ривож топаётган районларда яшайди. Барча аҳолининг ярмидан ортиқроғи эса Осиёда истиқомат қилади.

Аҳолининг йил сайин ўсиш суръати 1963—1967 йилларда: Африкада 2,5 процентни, Осиёда 2 процентни, Латин Америкасида 2,9 процентни, Шимолий Америкада 1,3 процентни ташкил этган.

Аҳолининг 19 проценти аҳолиси 100000 ва ундан ортиқ кишини ташкил этадиган шаҳарларда яшайди. Аҳолиси 1 миллиондан ортиқ бўлган шаҳарлар сони 83 тадир.

Аёлларнинг ўртача умр кўриши эркакларга нисбатан юқоридир. Исландияда аёлларнинг ўртача умр кўриши 76 ёшдан ортиқроқдир. Норвегия, Голландия, Швеция, Франция ва Украинада — 75 ёшдир.

Эркакларнинг энг кўп ўртача умр кўриши 71,6 ёшдир (Швеция). Аёлларнинг энг қисқа умр кўриши Юқори Вольта (31,1 ёш), эркакларнинг умр қисқалиги эса Габонда (25 ёш) учрайди.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН — МАТБУОТ КУНИ
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.** 18.00 — Болалар учун. **«Босмахонага саёҳат».**

Рус тилида: 18.20 — **Мультфильм.** 18.45 — **Телеянгиликлар.** 19.00 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. **«Ленинград жасорати»** (Ҳужжатли фильм). 20.00 — **Кўрсатувлар программаси ва реклама.**

Ўзбек тилида: 20.10 — **Телеянгиликлар.** 20.25 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. **«Фронт газеталари саҳифаларида».** 20.50 **«Биринчи коммунистга»** (Ҳужжатли фильм. Карл Маркс туғилган кун муносабати билан). 21.10 — **«Партиянинг жанговар қуроли».** 21.45 — **Телефильм.** 22.05 — **Матбуот ходимлари учун концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 11.30 — **Адабиёт.** 10-синф. «Имтиҳонларга қандай тайёрланмоқ керак». Консультация. 18.00 — **Эстетика асослари.** Факультатив курс. «Санъатда традиция ва новаторлик». 18.40 — **Физика.** «Фотоэлемент ва унинг қўлланилиши» (Ўқув фильм). 19.00 — **Абитуриентлар учун физика.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **«Кел, алмашайлик»** (Телефильм). 20.15 **Фортепьяно куйларидан концерт** 20.55 — **Беш йиллик илғорлари.**

Рус тилида: 21.10 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. **«Тажовуз»** (Бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/V да **Русалка,** 6/V да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/V да **Олтин девор,** 6/V да **Олтинчи июль,** 7/V да **Аяжонларим.** (спектакллар кеч соат 8 да бошланади).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/V да **Паранжи сирлари,** 7/V да **Гавҳари шамчироғ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Лилипутлар иштирокида джаз-оркестр гастроллари.**

«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА — ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДАГИ БАЛЕТИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

Ужар Кура — «СПУТНИК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 да).

Урушдан сўнг кеч соат 6 да — НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 да).

Қироллар, регентлар ва масхарабозлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Олеко Дундич (кундуз соат 12, 2, 4 да), **Ёзги севги қиссаси** (кеч соат 6, 8 ва 10 да) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

Ҳалоскорлик (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6, ва 9 да).

Бу севги бўлсачи! — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, кеч 6, 8 ва 9,45 минутда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 МАЙДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: Ўзбекистон ССР халқ артисти **ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА;**

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: **ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА, ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, МЕҲРИ АБДУЛЛАЕВА, ТУХТА РИСМЕТОВА;**

Солистлардан: Фахриддин **УМАРОВ,** Манзура **МУМИНОВА,** Сора **ШУКУРОВА,** Ойхон **ЁҚУБОВА,** Гулчеҳра **ИСМОИЛОВА,** Саида **ТОЛИБОХУНОВА;**

VI Жаҳон фестивалининг лауреати Отажон **РАЖАБОВ.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Программани — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Муҳаббат **МУСАЕВА** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

2-ПИВО ЗАВОДИГА

юкчилар, слесарлар, шишаларга қуйиш цехига, ачитқич подволига ва бошқа цехларга аёллар, бош бухгалтер ўринбосари, қоровуллар, тракторчилар, механика устахонасига мудир

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, Аллея тупиги, 162-уй.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1637. ИНДЕКС — 64697. Р. 02482.